

ТЕЗКОР-ҚИДИРУВ ФАОЛИЯТИ, УНИНГ НАТИЖАЛАРИНИ ДАЛИЛ СИФАТИДА ҒОЙДАЛАНИШНИНГ ҚОНУНИЙЛИГИ УСТИДАН ПРОКУРОР НАЗОРАТИ

<http://dx.doi.org/10.26739/2181-9130-2017-7-7-2>

Бахтиёр Пулатов

Ўзбекистон Республикаси Бош
прокуратурасининг Олий ўқув курслари
катта ўқитувчиси,
юримдик фанлари доктори, профессор

Аннотация. Мақолада муаллиф томонидан тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган далиллардан ғойдаланишнинг қонунийлиги устидан самарали прокурор назоратини ташкил этишнинг асосий масалалари, ушбу тадбирларни ўтказиш қонунийлиги мезонлари ва олинган далилларга қонуний тус бериш (легаллаштириш) жараёнлари, батафсил ўрганилади, прокурор назорати асосий

йўналишлари, прокурорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари очиқ берилади, ҳамда шунинг асосида ҳуқуқни қўллаш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан тегишли таклиф ва тавсиялар берилади.

Калит сўзлар. Прокурор, назорат, назорат предмети, қонунийлик, қонунийлик мезонлари, тезкор-қидирув тадбир, ТҚТ ўтказиш асослари, далиллар, далилларни мустаҳкамлаш.

ПРОКУРОРСКИЙ НАДЗОР ЗА ЗАКОННОСТЬЮ ОПЕРАТИВНО-РОЗЫСКНОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ, ИСПОЛЬЗОВАНИЯ ЕГО РЕЗУЛЬТАТОВ В КАЧЕСТВЕ ДОКАЗАТЕЛЬСТВ

Аннотация. В статье автором подробно рассматриваются основные вопросы организации эффективного прокурорского надзора за законностью использования доказательств, полученных в ходе оперативно-розыскных мероприятий, критерии законности проведения подобных мероприятий и процессы легитимации полученных доказательств, раскрываются основные направления прокурорской проверки, права и обязанности прокуроров, а также на этой основе предлагаются соответствующие предложения и рекомендации по совершенствованию правоприменительной практики.

Ключевые слова. Прокурор, надзор, предмет надзора, законность, критерии законности, оперативно-розыскное мероприятие, основания проведения ОРМ, доказательства, закрепление доказательств.

PROSECUTOR'S SUPERVISION OVER LEGALITY OF THE OPERATIONAL-SEARCH ACTIVITY, USING OF ITS RESULTS AS EVIDENCE

Abstract. In the article the author discusses in detail the main issues of the organization of effective prosecutor's supervision over the legality of the use of evidence obtained during operational search activities, the criteria for the legality of such events and the processes of legitimizing the evidence obtained, the main directions of the prosecutor's inspection, the rights and duties of prosecutors, and on this based on the proposed proposals and recommendations to improve law enforcement practices.

Keywords. The prosecutor, supervision, the subject of supervision, legality, the criteria of legality, operational-search measures, the foundations for the conduct of the OSM, evidence, fixing of evidence.

Жиноятнинг олдини олиш ёки унга йўл кўймаслик, содир этилган жиноятни тез ва тўла очиш, далил сифатида фойдаланиши мумкин бўлган маълумотларни аниқлаш, тўплаш ва сақлаш, жиноят содир этишда гумон қилинганларни ушлаш, яширинган гумон қилинувчиларни ҳамда айбланувчиларни қидириб топиш, жиноят туфайли етказилган моддий зиён қопланишини таъминлаш мақсадида ваколатли органлари томонидан ўтказиладиган тезкор- қидирув фаолияти ноошкора ва нопроцессуал характерга эга бўлса ҳам, у қонунийлик, шахсинг шаъни ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш, фукароларнинг ҳуқуқва эркинликларини муҳофаза қилиш, ҳақиқатни аниқлаш, айбсизлик презумпцияси ва бошқа принципларига катъи риоя қилинган ҳолда

тегишли ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган қоидалар асосида олиб борилиши шарт.

Тезкор- қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланиш учун улар, фақат жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган қоидалар асосида қайта текширилиши ва расмийлаштирилган бўлишлари, ижобий натижалар берган бўлиши лозим.

Шу боис, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни (28-модда) ва Жиноят-процессуал кодекси (382- модда) талабларига кўра прокуратура органлари қонунда белгиланган ваколатлари доирасида тезкор-қидирув фаолиятининг қонунийлигини назорат қилишни таъминлашлари шарт.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан прокурор назоратини Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Прокурорлар ўзларига тақдим этилган ҳужжатлар ва материаллардаги маълумотларнинг махфийлигини таъминлайдилар¹.

Юқорида қайд қилинган қонун ва кодекс талабларига кўра, қонунларнинг жиноятчиликка қарши курашни амалга оширадиган органлар томонидан ижро этилиши устидан назорат қилиш жараёнида прокурор ўз ваколатлари доирасида тезкор-қидирув фаолиятининг ҳужжатлари ва материалларини ҳамда бошқа материалларни талаб қилади, бу органларгашахсларни ушлаш, мажбурий келтириш, қидириш, тинтув ўтказиш, олиб қўйиш

¹Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 27-моддаси.

тўғрисидаги қарорларни, суднинг қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораларини қўллаш тўғрисидаги ажримини ижро этишни, бошқа тергов ҳаракатларини бажаришни топширади, шунингдек прокурор ёки прокуратура терговчиси юритувидаги ишлар юзасидан жинойтларни очиш ва жинойт содир этган шахсларни аниқлаш учун зарур чоралар кўриш тўғрисида кўрсатмалар беради.

Ёзишмалар, телефон орқали сўзлашувлар ва бошқа сўзлашувлар, почта, курьерлик жўнатмалари, телеграф хабарлари ҳамда алоқа каналлари орқали узатиладиган бошқа хабарлар сир сақланишига доир ҳуқуқларни, шунингдек уй-жой дахлсизлиги ҳуқуқини чекловчи тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги материалларни кўриб чиқиш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ва бундай тадбирларни ўтказиш ҳақида илтимоснома билан мурожаат қилган орган жойлашган ердаги прокурор томонидан амалга оширилади. Алоҳида ҳолларда, бундай тадбирларни ўтказиш ҳақидаги материалларнинг тадбирлар ўтказилаётган жойдаги прокурор томонидан кўриб чиқилишига йўл қўйилади.

Прокурорга тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбарининг юқорида кўрсатилган тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш зарурлиги асослаб берилган қарори тақдим этилади. Прокурор тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилган бошқа материалларни ҳам талаб қилишга ҳақли.

Прокурор тақдим этилган материалларни кўриб чиқиш натижалари бўйича тегишли тезкор-қидирув тадбирини ўтказишга санкция беради ёхуд уни ўтказишни асослантирилган ҳолда рад этиб, қарорда бу ҳақда кўрсатиб ўтади. Прокурор тезкор-қидирув

тадбири ўтказилишига санкция беришни рад этган тақдирда, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган юқори турувчи прокурорга бундай қарор устидан шикоят қилишга ҳақли².

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, мазкур органлар ходимларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органга, прокурорга ёки судга шикоят қилиниши мумкин³.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратурасининг 2013 йил 6 декабрдаги “Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим қилиш тартиби ҳақидаги Йўриқномани тасдиқлаш тўғрисида”ги 40, 101, 01-02/4, 16/17-сон қарори қабул қилинган бўлиб, унга мувофиқ тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим қилишнинг қуйидаги тартиби белгиланган:

- тезкор-қидирув фаолияти натижалари жиноят аломатлари аниқланганлиги бўйича билдирги ёки тезкор-қидирув фаолияти натижалари бўйича маълумотномага мувофиқ тақдим этилади;

- тезкор-қидирув фаолияти натижалари бўйича маълумотнома тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган раҳбари томонидан имзоланади;

- жиноят аломатлари аниқланганлиги бўйича билдирги тезкор-қидирув тадбирлар ижроси учун

²“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 21-модданинг 1-қисми Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 25 апрелдаги ЎРҚ-405-сон Қонуни таҳририда - Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2016 й., 17-сон, 173-модда.

³Ўзбекистон Республикасининг “Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонунининг 28-моддаси.

маъсул шахс томонидан тузилади ва ўрнатилган тартибда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан рўйхатга олинади.

Тезкор-қидирув фаолияти натижалари бўйича маълумотномани тақдим этиш тартиби қуйидагиларни ўз ичига олган ҳолда амалга оширилади:

- тезкор-қидирув фаолияти натижаларида мавжуд бўлган давлат сирларини ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш зарурияти масаласини кўриб чиқиш;

- зарурий ҳужжатларни расмийлаштириш ва тезкор-қидирув фаолияти натижаларини тақдим этиш.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини текшириш ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 90-92-моддалари тартибида процессуал қарор қабул қилиш ҳамда жиноят ишига қўшиш учун суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тақдим этиш тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи ҳудудий орган раҳбари (бошлиқ ёки тезкор ишлар бўйича ўринбосар) томонидан тасдиқланган қарор асосида амалга оширилади.

Тезкор-қидирув тадбирларини ташкил этиш ва ўтказишда қўлланилган техник воситалар, уларни қўллаш тактикаси ҳамда тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳақидаги маълумотларни ўзида акс эттирган тезкор-қидирув фаолияти натижалари ушбу тадбирларнинг ижрочилари билан келишилган ҳолда тақдим этилади.

Агарда тезкор-қидирув тадбирлари тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи икки ва

ундан ортиқ органлар томонидан ўтказилган тақдирда, юқорида кўрсатилган маълумотлар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда ва тартибда, фақат мазкур органлар раҳбарларининг қарорлари асосида ошкор этилади (“Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида”ги Қонуннинг 20-моддаси).

Суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга тезкор-қидирув фаолияти натижаларини жўнатиш тартиби (почта орқали юбориш, шахсан қўлига ёки бошқа усуллар) алоҳида ҳар бир ҳолатда иш юритиш тартибини белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талаблари асосида тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи орган томонидан танланади.

Юқорида қайд этилган ҳужжатларга жиноят-процессуал қонунчиликка мувофиқ далилий ашё сифатида эътироф этиш учун тезкор-қидирув тадбири натижасида олинган (тайёрланган) фотографик негативлар ва суръатлар, кинотасмалар, диапозитивлар, фонограммалар, видеоёзув кассеталар, компьютер ахборот ташувчилар, чизмалар, режалар, схемалар, маълумотлар, шунингдек бошқа моддий объектлар ҳам илова қилиниши мумкин.

Тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган материаллар, ҳужжатлар ва бошқа объектларнинг нусхаларини (кўчирмаларини), шунингдек энг аҳамиятли лавҳаларни (сўзлашувлар, сюжетлар) ягона ахборот ташувчига кўчириш орқали ҳам тақдим этишга рухсат берилади ва бу тўғрисида тақдим этилаётган маълумотномада кўрсатилиши шарт.

Бундай ҳолларда тезкор-қидирув тадбирлари натижасида олинган материаллар, ҳужжатлар ва бошқа объектларнинг асл нусхалари суриштирув органи, терговчи ёки прокурор томонидан талаб

қилиб олинмаган бўлса, жиноят ишини кўриб чиқилгунга ва суднинг ҳукми қонуний кучга киргунга ёки қонунчиликда назарда тутилган асосларга кўра жиноят иши тугатилгунга қадар тезкор-қидирув тадбирларни амалга оширган органда сақланади.

Жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал этиш учун тақдим этилаётган тезкор-қидирув фаолияти натижаларида жиноят аломатларини кўрсатувчи маълумотлар етарлича бўлиши, яъни: қаерда, қачон ва қайси жиноят белгилари аниқланганлиги; улар қандай шароитларда аниқланганлиги; ушбу жиноятни содир этган шахс (агар улар маълум бўлса) ва жиноятнинг гувоҳлари (агар улар маълум бўлса) тўғрисидаги маълумотлар; ашёвий далил бўлиши мумкин бўлган предметлар ва ҳужжатларнинг турган жойи тўғрисида; жиноят ишини қўзғатиш масаласини ҳал этишдаги аҳамиятга эга ҳар қандай воқеа ва ҳодисаларни ўзида акс эттириши керак.

Тергов ҳаракатларини ўтказишга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш учун тақдим этилаётган тезкор-қидирув фаолияти натижаларида – суриштирув, тергов органлари ва суддан яшириниб юрган, жиноий жазодан бўйин товлаётган, жиноят иши юзасидан ҳодиса ва воқеалар тафсилоти тўғрисида маълумотга эга бўлган шахслар, исботлашда фойдаланиш мумкин бўлган далил манбалари, аниқ жиноят иши бўйича процессуал ҳаракатлар ўтказишнинг ҳажмини ва тартибини аниқлаб олиш, тергов ҳаракатларининг энг самарали тактикасини танлаш, терговнинг мақбул услубларни тузиш учун зарур маълумотлар бўлиши керак.

Тезкор-қидирув фаолияти натижаларини суриштирув органи, терговчи ёки прокурорга

тақдим этиш қўйидаги ҳолларда қатъиян тақиқланади:

тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамасида фойдаланилганда тезкор-қидирув фаолиятида иштирок этган субъектлар хавфсизлигини таъминлаш имконияти бўлмаганда;

тезкор-қидирув фаолияти натижаларидан тергов ҳаракатлари ёки суд муҳокамасида фойдаланилганда тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда фойдаланилаётган ёки фойдаланилган кучлар, воситалар, манбалар, усуллар, тезкор-қидирув фаолияти режалари ва натижалари, тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг штатдаги ошкор қилинмайдиган ходимлари ҳамда кўмаклашаётган шахсларнинг ошкор бўлиб қолиш хавфи мавжуд бўлганда⁴.

Тезкор-қидирув фаолияти, унинг натижаларини далил сифатида фойдаланишнинг қонунийлиги устидан амалга ошириладиган прокурор назоратининг предмета қўйидагилардан иборат:

- инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига риоя қилинишлиги;

- тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг қонун ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган тартиби;

- тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ва бошқа ҳужжатларнинг қонунга мувофиқлиги;

- тезкор-қидирув фаолияти натижаларида аниқланган далил сифатида фойдаланиш мумкин бўлган маълумотларни процессуал қонунчилиги

⁴Каримов В.Г. Тезкор-қидирув фаолияти асослари. – Т.: “IMPRESS MEDIA” МЧЖ, 2015. Б. 89-93.

асосида қайта текшириш ва расмийлаштиришнинг қонунийлиги.

Тезкор-қидирув фаолиятини ташкил этиш, уни амалга ошириш тактикаси, методи ва воситалари ҳақидаги маълумотлар, ҳужжатлар прокурор назорати предметига кирмайди. Шунингдек, қонуности ҳужжатлари (буйруқлар, йуриқномалар) даги кўрсатмаларнинг бажарилиши устидан назорат қилиш мажбурияти прокурор зиммасига юклатилган эмас.

Тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишнинг белгиланган тартибини, қабул қилинган қарорларнинг қонунийлигини прокурор томонидан текшириш учун қўйидаги ҳолатлар асос бўлиши мумкин:

-фуқароларнинг ўз ҳуқуқлари бузилганлиги ёки бузилётганлиги ҳақидаги шикоятлари;

-зарурат бўлганда очилмаган жиноятлар бўйича олиб борилаётган тезкор тадбирлар, жиноят содир этган шахсларга, дараксиз йўқолган шахсларга, жиноят ишлари бўйича айбланувчи ёки гумон қилинувчиларга нисбатан қидирув тадбирларнинг ижобий натижалар бермаётганлиги ҳақидаги материаллар мавжудлиги;

-суриштирув органларининг, терговчининг ва суднинг иш юритувида бўлган жиноят ишлари юзасидан берган топшириқларига, прокурор кўрсатмаларига тегишли жавоб берилмаганлиги ҳақидаги ахборотлар мавжудлиги;

-тезкор-қидирув фаолияти соҳасидаги қонунчиликка риоя қилиниши ҳолатига доир бошқа маълумотлар мавжудлиги.

Демак, қайд қилинган ҳолатлардан бирортасининг мавжудлиги ваколатли органлари томонидан ўтказилаётган тезкор-қидирув

фаолиятининг қонунийлигини прокурор томонидан текшириш учун асос ҳисобланади.

Тезкор-қидирув фаолиятининг қонунийлиги устидан назоратни амалга оширишда прокурор мазкур фаолиятнинг ўзига хос хусусиятларини назарда тутиб, қўйидаги қоидаларга алоҳида эътибор қаратиши, уларни ҳисобга олиши лозим:

-тезкор-қидирув фаолиятини ўтказишни ташкил этиш, унинг тактикаси-давлат сири ҳисобланади. Тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширувчи органлар барча шароитларда ўз фаолиятини бажаришдаги маълумотларнинг алоҳида сақланишларини таъминлашлари зарур. Улар агентура, ташқи кузатишни олиб борувчи шахсларни, керакли маълумотларни олишда фойдаланилган криминалистик-техника воситаларини ошкора қилишга ҳақли эмаслар. Прокурор ҳам унга тақдим қилинган ҳужжат ва материаллардаги маълумотларнинг ҳимоя қилинишини таъминлаши шарт.

-тезкор-қидирув фаолияти фақат жиноятни аниқлаш, унинг олдини олиш, уни тўхтатиш, очиш мақсадида, шунингдек яширинган жиноятчининг қаердалигини бошқа йўл билан аниқлашнинг имконияти бўлмаган тақдирдагина олиб борилиши лозим. Шу сабабли тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи орган (мансабдор шахс) сиёсий партиялар, ҳар хил жамоат бирлашмалари, белгиланган тартибда рўйхатга олинган диний ташкилотлар манфаатларини кўзлаб ёки улар фаолиятининг характерига таъсир кўрсатувчи ҳаракат қилиши мумкин эмас;

-қонун ёки идоравий ҳуқуқий ҳужжат суриштирувчи ва терговчининг тезкор-қидирув фаолияти материаллари билан танишиш

имкониятини назарда тутмайди, бу фақат прокурорнинг мутлоқ ҳуқуқи хисобланади (“Прокуратура тўғрисида”ги Қонуннинг 28-, ЖПКнинг 382-моддалари). Лекин суриштирувчи, терговчида шундай имконият мавжуд бўлган ҳолларда ундан фойдаланмаслиги ҳам мумкин эмас. Суриштирувчи, терговчи тезкор-қидирув фаолияти материаллари билан танишишда унинг холисона олиб борилганига шубҳаланса, бу ҳақда прокурорга маълум қилиши, прокурор эса-ўзига хос воситалар, унга берилган ваколатлар ёрдамида тезкор-қидирув фаолияти ўтказилишида қонун талабларига риоя қилинганлигини текшириши лозим.

Тезкор-қидирув фаолиятининг, унинг натижаларидан далил сифатида фойдаланишнинг қонунийлигини назорат қилишда прокурор қонунда назарда тутилган ваколатлардан фойдаланиши лозим, жумладан:

-ўтказилаётган тезкор-қидирув тадбирининг асослари, тартиби ва қарорларга оид маълумотларни ўзида акс эттирган ҳужжатлар билан танишиш;

-суриштирув органининг, терговчининг тезкор-қидирув материаллари асосида жиноят иши қўзғатиш тўғрисидаги ноқонуний, асоссиз қарорларини бекор қилиш;

-тезкор-қидирув тадбирларини ўтказишда қонун бузилишига йўл қўйган мансабдор шахслардан ёзма тушунтиришлар талаб қилиш;

-тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органлар раҳбарларининг ноқонуний буйруқ ва кўрсатмаларига протест билдириш;

-тезкор-қидирув фаолиятини ўтказишда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқи ва қонуний манфаатларининг ноқонуний ва асоссиз бузилишларини тўхтатиш, бузилган ҳуқуқ ва

манфаатларини тиклаш, келтирилган зиённи қоплаш, асослар мавжуд ҳолларда-қонун бузилишида айбдор мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги чораларини кўриш;

-тезкор-қидирув фаолияти натижасида олинган маълумотлардан далил сифатида фойдаланишу чун ЖПК талабларига кўра суриштирувчи, терговчи томонидан текширишлар олиб боришнинг, далилларни расмийлаштиришнинг қонунийлигини кўриб чиқиш, қонун талабларига риоя қилинмаслик ҳолатлари аниқланса,-“Прокуратура тўғрисида”ги Қонунида белгилаган прокурор таъсир чораларини кўриш, тегишли прокурор назорати ҳужжатларини келтириш.

Прокурорнинг тезкор-қидирув фаолияти устидан назоратни амалга ошириш ваколатлари доирасидаги қонуний талабларининг бажарилмаслиги қонунда белгилаган тартибда жавобгарликни юзага келтиради.

Прокурор тезкор-қидирув фаолиятининг қонунийлигини текширишда унинг тўла, ҳар томонлама ва холисона ўтказилишини ўрганишда, хулосаларга баҳо беришда ва тегишли қарор қабул қилишда ЖПКнинг қонунийлик, ҳақиқатни аниқлаш ва бошқа принципларига амал қилиши шарт.